

Имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳининг шогирдлари



10:33 / 18.11.2025 762

Барча катта уламолар каби, имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи ҳам кўплаб қобилиятли ва машҳур олимларни тарбиялаб етиштирдилар. Катта шайх ва устозлар даражасига етган мазкур шогирдлар Ислом оламида илм ва маърифатнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшдилар. Улардан баъзиларини эслаб ўтишга ижозат бергайсиз.

1. Имом Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил Ҳаким Самарқандий.

Абу Саъд Самъоний у киши ҳақида сўз юритар экан, «У Абдуллоҳ ибн Саҳл Зоҳиддан ва Амр ибн Осим Марвазийдан ҳадис ривоят қилган ва Абу Мансур Мотуридийда фақиҳ бўлган», дейди.

«Табақотус-санийя» китобида ҳам Имом Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил Ҳаким Самарқандийнинг имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳидан фикҳ ва калом илмлари бўйича таҳсил олганлари айтилади.

Имом Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил Ҳаким Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳи узоқ вақт Самарқандда қозилик қилганлар, кўп мақтовларга сазовор бўлганлар ва ишларни ҳикмат билан битирганлари ва ҳикматли мавъизалар қилганлари учун Ҳаким лақабини олганлар. У киши раҳматуллоҳи алайҳи ҳижрий 342 сана, муҳаррам ойининг Ошуро куни Самарқандда вафот этганлар ва ўша ерга дафн қилинганлар.

2. Имом Абдулкарим ибн Мусо ибн Ийсо Баздавий Насафий.

«Табақотус-санийя» китобида имом Абдулкарим ибн Мусо ибн Ийсо Баздавий Насафий раҳматуллоҳи алайҳининг имом Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳидан фикҳ илмини олганлари, имом Бухорийнинг соҳиблари Мансур Абу Толҳа Баздавийдан ҳадис ўрганганлари ҳақида сўз кетади. У зот раҳматуллоҳи алайҳи ҳижрий 390 йилнинг Рамазон ойида вафот этганлар.

3. Имом Абу Абдурраҳмон ибн Абу Лайс Бухорий.

«Жавоҳир» китобининг соҳиби имом Абу Абдурраҳмон ибн Абу Лайс Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи ҳақида сўз юритганда, «У Ҳаким лақабини билан танилган Абул Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммаднинг соҳибидир. Икковларининг устози Абу Мансур Мотуридийдир. Айти шу кишидан калом ва фикҳ илмларини олгандир», деган.

«Ҳидоят имоми» китоби асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 11 декабрдаги 03-07/9264-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.